Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 4 май шанба

Сотувда эркин нархда № 95 (2923)

АҲИЛЛИК. ТАШАББУСКОРЛИК. ФИДОЙИЛИК

«Халқ сўзи» мухбирлари юртдошларимизга **«Президентимизнинг Нукусда бўлиб ўтган сессиядаги нутқини тинглаганингизда кўнглингиздан қандай фикрлар ўтди?»** деган савол билан мурожаат қилиб, қуйидаги жавобларни олишди

Парда ЗИЁДОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, Жиззах туманидаги Ҳ. Носиров номли жамоа хўжалиги пахтачилик бригадаси бошлиғи:

— Ўша оқшом нутқни ойнаи жаҳон орқали роса берилиб тингладик. Ҳамманинг дилидаги гап янгради. Президент берган кўрсатмалар фақат Қорақалпоғистонга эмас, бизга ҳам таллуқли. Мен, айниқса, раҳбар масъулияти ҳақидаги сўзлардан қаттиқ таъсирландим. Ҳоким ҳар ишга жавобгар эканлигини самимий оҳангда айтдилар.

Кенесбой СЕРЖОНОВ, Жапақ Шомуратов номидаги Нукус давлат санъат коллежи ўқитувчиси, Бердақ номидаги қорақалпоқ драма театри хонандаси, Қорақалпоғистон халқ артисти, «Дўстлик» ордени соҳиби:

— Менинг номимни юксак минбардан айтганларида ҳаяжонимнинг чеки бўлмади. Бундай баҳодан бошим осмонда. Ер кўкка сиғмаяпман. Худди учиб юрганга ўхшайман. Кеча эрталабданоқ ёр-дўстлар, қавму қариндошлар табриги бошланди. Президентимиз юрагида халққа улкан меҳр бор. Мен уни «Паяцо» операсидан ария ижро этган куним сезгандим.

Замирбек ҚОСИМБЕКОВ, Бутунжаҳон муайтай федерацияси вице-президенти, Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи:

— Давлатимиз раҳбари менинг шогирдим — Эркин Қутибоев ҳақида гапирганда ўзимни қўярга жой тополмай қолдим. Уч карра жаҳон чемпиони бўлган шу йигит тимсолида қорақалпоқ ўғлонларидан танти ва чайир, Ватанини чин дилдан севадиган полвонлар етишиб чиқишини кўз олдингизга келтиришингиз мумкин. Маърузани тинглар эканман, бу замин истеъдодларга жуда бой, фақат уларни вақтида кашф қила билиш керак, дея ўзимга хулоса чиқардим.

Жалол МУЯТДИНОВ, «Нуроний» жамғармаси Қорақалпоғистон бўлими раиси:

— Жўқорғи Кенгес сессиясини кузата туриб, қуйидаги сўзларни ён дафтаримга ёзиб қўйдим: «Ҳамма нарсани табиий қийинчиликларга, сув тақчиллигига боғлаш тўғри эмас». Бундай ўйлаб қарасам, ростдан ҳам кейинги йилларда шундай иллат палак ёя бошлабди. Унинг томирини қирқишда ёшларга кўмаклашишни биз, қариялар ўз бурчимиз, деб биламиз. Чунки олийжаноб ва бағрикенг қорақалпоқ халқи азалдан оқсоқоллар билан, кўпни кўрган бийлар билан кенгашиб яшаб, мавжуд муаммоларни ижобий ҳал қилгани ҳаммага яхши маълум.

Есберген АЛЛАНАЗАРОВ, Вазирлар Маҳкамаси Давлат тест маркази етакчи мутахассиси:

— Юртбошимиз қорақалпоқ ёшлари ичида иқтидорлилар сафи кенгайиб бораётганлигини ўз ўрнида таъкидладилар. Дарҳақиқат, бу минтақада билим чўққиларини эгаллаётган истеъдодлар кўпайиб бораяпти. Куни кеча барча фанлардан тест саволлари тўплами қорақалпоқ тилида босмадан чиқарилди. Шу кунларда Қорақалпоғистоннинг ҳамма туманларида масофавий алоқани йўлга қўйган компьютер тест марказлари очиляпти. Энди Чимбойдаги ўқувчи билимига ўша лаҳзада Тошкентда баҳо қўйилади.

Зарифбой РАЖАББОЕВ, ветеринария врачи, Беруний тумани:

— Президент ҳақ гапни айтдилар. Тўғри-да, танқиддан самара, натижа бўлиши керак. Ўринли танқид ўша иллатни тагтомири билан қуритиши, «кўкариши»га йўл қўймаслиги лозим. Танқиднинг ўзи аччиқ туюлса-да, лекин меваси ширин бўлади.

Дилшод САЛОМОВ, доришунос, Деҳқонобод тумани:

— Аҳиллик бор жойда ҳамма нарса енгилади ёки ортга чекинади. Аҳил бўлсак, бугунги ташвиш ва муаммолар ҳам қувончга айланиши ҳеч гап эмас. Аҳиллик — яхшиликнинг, муваффақиятларимизнинг боши ва аввалидир. Мен ўзим учун ана шуни ўқиб ва ўқиб олдим.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида

Умумхалқ байрами — 9 май — Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 57 йиллиги муносабати билан ва уруш қатнашчиларини моддий рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчиларига 9000 (тўққиз минг) сўм миқдорида бир йўла бериладиган пул мукофоти белгилансин.

2. Ушбу қарорни рўёбга чиқариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат чегаралари ва Миллий хавфсизлик хизмати мазкур пул мукофотларининг тантанали ва байрамона вазиятда тўланишини таъминласинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига Маданият ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Бадиий академия, Хотин-қизлар қўмитаси, "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази, "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз эркинлиги ва шаъни ҳимоячиларини шарафлашга бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадиий кечалар ўтказиш топширилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 3 май.

5 май — «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони таъсис этилган кун

ДАВЛАТИМИЗ УЛУҒВОРЛИГИ ТИМСОЛИ

Бундан саккиз йил муқаддам — 1994 йил 5 май куни "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонини белгилаш ва олий нишон — "Олтин Юлдуз" медалини таъсис этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганди. Мазкур Қонунда тасдиқланган "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони тўғрисидаги Низомга мувофиқ, ушбу унвон Ватанимизнинг олий даражадаги мукофоти бўлиб, фуқароларимизга давлат ва халқ олдидаги қаҳрамонона жасорат кўрсатиш билан боғлиқ хизматлари учун берилади. Ўтган давр мобайнида қирқдан зиёд ҳамюртимиз ана шундай юксак эътирофга сазовор бўлди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла ОРИПОВдан мазкур Қонуннинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— Дунёда ҳар бир унвону мукофотнинг муайян ўрни ва аҳамияти бор, — дейди Абдулла Орипов. — Давлатчилик фаолиятида ушбу масала жуда муҳим жиҳатлардан ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ

«Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. "Кредит уюшмалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати (Ў.Султонов) ўз қарорларини "Кредит уюшмалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси

Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 4 апрель.

16

Буклаш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

КРЕДИТ УЮШМАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

«Халқ сўзи» ва «Народное слово»

2002 йил

Кирқиш чизиғи

Кредит уюшмаси аъзолари пай бадалларининг умумий суммаси устав фонди ҳисобланади. Устав фонди фақат пул маблағларидан шакллантирилади.

Устав фондининг энг кам миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади. Кредит уюшмасини давлат рўйхатидан ўтказиш пайтида устав фонди тўлиқ тўланган бўлиши керак.

Устав фонди кредит уюшмасига янги аъзолар кириши ёки пай бадаллари миқдорини ошириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

Устав фонди кредит уюшмаси аъзолари уюшмадан чиққан ёки аъзоликдан чиқарилган ҳолларда ёхуд пай бадаллари миқдорини камайтириш йўли билан камайтирилиши мумкин.

Агар аъзолар кредит уюшмасидан чиқаётганда ёки аъзоликдан чиқарилаётганда пай бадалларининг қайтарилиши устав фондининг миқдори белгиланган энг кам миқдоридан камайишига сабаб бўлса, бундай кредит уюшмаси қайта ташкил этилади ёхуд тугатилади.

Устав фондини кўпайтириш ёки камайтириш тўғрисидаги ва уставга тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарор кенгаш томонидан қабул қилинади.

Устав фонди кўпайтирилган ёки камайтирилганда уставга киритилган ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига маълум қилинган пайтдан бошлаб кучга киради.

16-модда. Кредит уюшмасидан чиқиш

Кредит уюшмаси аъзоси, агар унинг кредит уюшмаси олдида мажбуриятлари бўлмаса, уюшмадан чиқишга ҳақли. Бунда у ўз пай бадалини уставда белгиланган тартибда бошқа шахсга ўтказиши мумкин.

Кредит уюшмасининг аъзоси уюшмадан чиқиши мўлжалланаётган санадан ўттиз кун олдин ўзининг кредит уюшмасидан чиқиш истаги борлигини кенгашга ёзма равишда маълум қилиши керак.

Пай бадалларининг суммаси кредит уюшмасидан чиқаётган аъзога уставда белгиланган тартибда қайтарилиши керак.

17-модда. Кредит уюшмасидан чиқариш

Кредит уюшмаси аъзоси ушбу Қонунда белгиланган мажбуриятларини бажармаган тақдирда кенгаш қарори билан кредит уюшмасидан чиқарилиши мумкин. Кредит уюшмасидан чиқариш тўғрисидаги қарор устидан кредит уюшмаси аъзоларининг умумий йиғилишига ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

Аъзонинг кредит уюшмасидан чиқарилиши уни кредит уюшмаси олдидаги мажбуриятларидан озод қилмайди.

Кредит уюшмасидан чиқарилаётган аъзога пай бадалларининг суммаси унинг кредит уюшмаси олдидаги қарзлари ушлаб қолинганидан кейин қайтарилиши керак.

18-модда. Кредит уюшмасининг юқори бошқарув органи

Кредит уюшмаси аъзоларининг умумий йиғилиши уюшманинг юқори бошқарув органидир.

Кредит уюшмаси аъзоларининг умумий йиғилиши ҳар йили камида бир марта ва молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилиши лозим.

Ушбу Қонунда ва уставда назарда тутилган ҳолларда тафтиш комиссияси, кредит уюшмаси аъзолари умумий сонининг камида ўн фоизини ташкил этувчи уюшма аъзолари кредит уюшмаси аъзоларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказишни талаб қилишлари мумкин.

Кредит уюшмаси аъзоларининг умумий йиғилишини ўтказиш санаси, жойи ва тартиби, йиғилиш ўтказилишини кредит уюшмаси аъзоларига албатта маълум қилиш тартиби, умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриш вақтида аъзоларга бериладиган ахборотлар рўйхати ва уларни бериш тартиби кенгаш томонидан белгиланади. Кредит уюшмаси аъзоларининг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар камида ўттиз кун олдин маълум қилинади.

Умумий йиғилиш қарор қабул қилаётганда кредит уюшмасининг ҳар бир аъзоси, устав фондига киритган пай бадаллари миқдоридан қатъи назар, бир овоз ҳуқуқига эгадир.

Кредит уюшмаси аъзолари умумий йиғилишининг қарори, агар ушбу Қонунда ва уставда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, умумий йиғилишда иштирок этаётган кредит уюшмаси аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Кредит уюшмасининг аъзоси бўлган юридик шахс умумий йиғилишда овоз беришни ўзининг ваколатли вакили

8

9

Буклаш чизиғи

Кирқиш чизиғи

бидан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилингунига қадар у тафтиш комиссияси ишида иштирок этишдан четлатиб қўйилади.

Тафтиш комиссиясининг аъзоси кенгашнинг барча мажлисларида маслаҳат овози ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин.

25-модда. Кредитлар бериш

Кредит уюшмаси ўз аъзоларига шартнома асосида, уставда қайд этилган шартларда, қонун ҳужжатларида белгиланган талабларни ҳисобга олган ҳолда муддатли, қайтариладиган ва ҳақ эвазига бериладиган кредитлар беради.

Кредит уюшмаси мулкий таъминланган кредитлар, шунингдек ўзаро ишончли (бланкда қайд этиладиган) кредитлар бериши мумкин.

Кредит уюшмасининг аъзосига бериладиган кредит мазкур кредит уюшмаси бошқа аъзосининг пай бадали ёки депозити асосида унинг кафолати билан таъминланиши мумкин. Кредитни кредит уюшмасининг аъзоси бўлмаган шахслар кафолати билан таъминлашга йўл қўйилмайди.

26-модда. Дивидендлар

Барча харажатлар, мажбурий тўловлар тўланганидан ҳамда кредит уюшмасининг зарур заҳиралари шакллантирилганидан кейин фақат кредит уюшмаси аъзолари умумий йиғилишининг қарорига биноан кредит уюшмаси аъзоларига дивидендлар тўланиши мумкин.

Кредит уюшмаси аъзоларига дивидендларни ҳисоблаш уларнинг пай бадаллари миқдорларига мутаносиб равишда амалга оширилади.

Эълон қилинган дивидендлар кредит уюшмаси аъзолари умумий йиғилишининг қарорида белгиланган муддатларда кредит уюшмаси аъзоларига тўланиши керак. Дивидендлар белгиланган муддатда тўланмаган тақдирда дивидендларнинг тўланмаган қисми учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қарор қабул қилинаётган пайтдаги қайта молиялаштириш ставкалари даражасига асосан пенялар ёзилади.

27-модда. Кредит уюшмасини қайта ташкил этиш

Кредит уюшмасини қайта ташкил этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, кредит уюшмаси аъзолари умумий йиғилишининг қарорига биноан қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида

14

Кредит уюшмаси ўз номи ёзилган штампларга, бланкаларга ва ўз эмблемасига эга бўлишга ҳақлидир.

Кредит уюшмаси ишлаб чиқариш, суғурта, савдо-воситачилик ҳамда ушбу Қонунда назарда тутилмаган бошқа фаолият билан бевосита шуғулланишга ҳақли эмас.

4-модда. Кредит уюшмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга лицензия бериш

Кредит уюшмалари давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс ҳуқуқини оладилар. Кредит уюшмасининг фаолияти лицензия асосида амалга оширилади.

Кредит уюшмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга лицензия бериш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан амалга оширилади.

Кредит уюшмаси давлат рўйхатидан ўтказилиши ва унга лицензия берилиши учун қуйидагилар тақдим этилади:

рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза;

муассислар умумий йиғилишининг кредит уюшмасини тузиш тўғрисидаги баённомаси;

кредит уюшмасининг устави (бундан буён матнда устав деб юритилади);

кредит уюшмаси фаолиятининг бизнес-режаси;

юридик шахслар — муассисларнинг молиявий аҳволини тасдиқловчи ҳужжатлар;

кредит уюшмасининг устав фонди (бундан буён матнда устав фонди деб юритилади) шакланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжати;

рўйхатга олиш йиғими тўланганлиги тўғрисидаги банк тўлов ҳужжати.

Ҳужжатлар тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз календарь кун ичида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки кредит уюшмасини давлат рўйхатидан ўтказади ва бир вақтнинг ўзида унга лицензия беради.

Уставга киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар (устав фондини кўпайтириш ёки қамайтириш тўғрисидаги ўзгартиришлар бундан мустасно) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак.

Кредит уюшмасини давлат рўйхатига олганлик учун йиғим миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади. Кредит уюшмасига лицензия бериш аъзоларининг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

10-модда. Кредит уюшмасининг ҳуқуқлари

Кредит уюшмаси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

депозитларга қўйиш учун ўз аъзоларидан пул маблағларини жалб этиш;

ўз аъзоларига кредитлар бериш;

ўз уставига мувофиқ шартномалар тузиш ва бошқа фуқаролик-ҳуқуқий битимларни амалга ошириш;

грантлар ҳамда бепул бериладиган бошқа маблағларни олиш;

маслаҳат ва ахборот хизматлари кўрсатиш;

кредит уюшмаси аъзолари молиявий мажбуриятларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун тўлайдиган неустойка миқдорини белгилаш;

кредитларни белгиланган тартибда жалб этиш.

Қонун ҳужжатларига ва уставга мувофиқ кредит уюшмаси бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11-модда. Кредит уюшмасининг мажбуриятлари

Кредит уюшмаси:

ўз устав фондини белгиланган энг кам миқдордан пасайтирмаган ҳолда сақлашга;

ҳисоб, ҳисобот ва бошқа ҳужжатларни юритишга;

ҳисоботни белгиланган тартибда эълон қилиш ва тақдим этишга;

кредит уюшмасининг аъзоси кредит уюшмаси олдидаги мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда тўланиши лозим бўлган суммани кредит уюшмасининг аъзосига тегишли бўлган пай бадали ёки депозитдан, шунингдек уларга пай бадали бўйича бериладиган дивидендлардан ва депозит бўйича тўланадиган фоизлардан ундириб олишга;

инспекция ўтказиш учун юборилган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки вакилларига ҳужжатлар ва кредит уюшмаси фаолиятига оид бошқа ахборот манбаларидан эркин фойдаланиш имкониятини таъминлашга мажбурдир.

Қонун ҳужжатларига ва уставга мувофиқ кредит уюшмасининг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

12-модда. Кредит уюшмасининг жавобгарлиги

Кредит уюшмаси ўз мажбуриятлари бўйича устав фондини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кунидан ва ҳисобот йилидаги ҳисобот маълумотлари бўйича ҳисобланадиган миқдорда ҳисобот йилидаги ҳисобот маълумотлари бўйича ҳисобланадиган миқдорда

3

6

Буклаш чизиғи

Кирқиш чизиғи

чиктирмай умумий йиғилиш раиси ва котиби томонидан имзоланади.

21-модда. Кредит уюшмаси кенгаши

Кенгаш кредит уюшмаси фаолиятига раҳбарликни ушбу Қонун ва уставда берилган ваколатлар доирасида амалга оширади.

Кенгаш уставда белгиланган тартибда ва муддатларга кредит уюшмаси аъзоларининг умумий йиғилиши томонидан сайланган камида беш кишидан иборат тоқ сонли аъзолардан иборат бўлади.

Кенгаш раиси кенгаш аъзолари орасидан, агар уставда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, кўпчилик овоз билан сайланади.

Кенгаш мажлиси ҳар ойда камида бир марта, уставда белгиланган тартибда ўтказилади ва кенгашнинг кўпчилик аъзолари иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади. Кенгаш қарори мажлисда иштирок этаётган аъзоларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда кенгаш раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Кенгашнинг ваколатларига қуйидагилар киради:

кредит уюшмаси аъзоларининг реестрини юритиш;

кредит уюшмасининг пул маблағларини жалб этиш ва кредитлар бериш борасидаги фаолияти йўналишларини аниқлаш;

ижро этувчи орган фаолияти устидан назоратни амалга ошириш;

молиявий хизматлар турларини, кредитлар ва депозитлар бўйича фоиз ставкалари даражасини белгилаш;

ижро этувчи органни тузиш;

кредит уюшмасига янги аъзоларни қабул қилиш тўғрисидаги, кредит уюшмасидан чиқиш ҳамда кредит уюшмаси аъзолигидан чиқариш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиш;

устав фондини кўпайтириш ёки камайтириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ҳамда кредит уюшмасига янги аъзолар қабул қилинган, кредит уюшмаси аъзолигидан чиққан ёки чиқарилган тақдирда уставга тегишли ўзгартиришлар киритиш.

Қонун ҳужжатларига ва уставга мувофиқ кенгашнинг ваколатларига бошқа масалалар ҳам киритилиши мумкин.

11

Олий Мажлисда

НОТИҚ НЕГА ЖИМ ҚОЛДИ?

Кеча Олий Мажлиснинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитаси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг Самарқанд вилоятидаги ижросига бағишланган масала муҳокама этилди. Очиғи, йиғилиш одатдагидан-да жонли, баҳс ва мунозараларга бой бўлди. Вилоятда мазкур қонун ижросини таъминлаш бўйича етарли даражада иш қилинмаганлиги аввалбошданоқ рўй-рост айтилди.

Тўғри, ўтган икки йил ичида вилоят бўйича хусусийлаштириш дастури ортиғи билан бажарилган. Кўчмас мулк ва ер майдонларини сотиш ҳамда ижарадан пул тушириш режалари уддаланган. Бироқ сотилган акциялар пулини тушириш, айниқса, уларни чет эл инвесторларига сотиш режаси бажарилмасдан қолган. Маълум бўлишича, Нуробод, Оқдарё, Челак ва Ургут туманлари хусусийлаштириш бўйича белгиланган режани ҳатто 50 фоизга ҳам бажара олмаган.

Чет эл инвесторларига акция сотиш режаси вилоят бўйича 43 фоизга, уларга объектларни сотиш йиллик топшириғи эса бор-йўғи 25 фоизга бажарилган, холос. Вилоятдаги йирик объектларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича ҳам айтарли ишлар қилинмаган.

Йиғилишда таъкидланганидек, вилоятда давлат тасарруфидан чиқарилгани ва хусусийлаштирилганидан кейин ҳам қатор корхона ва ташкилотлар нимагадир фаолият юритмаганлиги аниқланган. Устига устак, кўчмас мулк биржасида сотувга қўйилган объектларни баҳолашда қонун ҳужжатларида белгиланган мезонлар бузилишига йўл қўйилган.

Самарқанд вилоят суди томонидан 2000 йилда 4 та ва 2001 йилда 3 та даъво аризалари кўриб чиқилган. Тадбиркорларнинг аксарияти мулк ҳуқуқини берувчи давлат ордерларини қақиқий эмас, деб топишни сўраб, судга мурожаат қилишган. Демак, битта хусусийлаштирилган объектга бир неча кишига ноқонуний ордерлар берилган. Баъзи тадбиркорлар мулк ҳуқуқини берувчи давлат ордерларини қонуний олган бўлса-да, ўз мулкларига эгалик қилолмаган. Масалан, 1998 йилда тадбиркор З. Очилов мулк ҳуқуқини берувчи давлат ордерини қонуний йўл билан олган. Аммо вилоят ички ишлар бошқармасининг ДАН бўлими бинони узоқ вақт бўшатиб бермаган. Йиғилишда бу борада кўплаб мисоллар келтирилди. Хўш, вилоятда ушбу қонуннинг ижроси нега суст? Нима учун чет эл инвесторларига акция сотиш режаси бажарилмаган? Вилоятда давлат мулки қўмитаси ҳудудий бошқармасининг ўрни борми ё...? Депутатларнинг айни саволларига жавобан ушбу масала бўйича маълумот берган республика Давлат мулки қўмитаси Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Юсуф Халилов бирор гап айтолмади.

Шуни ҳам айтиш керакки, мазкур қонуннинг ижросини таъминлаш мақсадида вилоят прокуратураси томонидан 2001 йилда ўтказилган текшириш натижаларига кўра, корхона ва ташкилотларга 32 та тақдимномалар киритилган, 46 та шахс интизомий, 7 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилган. Бундай ҳолатларнинг таҳлили жойлардаги мутасадди ташкилот, корхона ва идора раҳбарлари қонуннинг моҳиятини ҳали ҳам етарли даражада англаб етмаганлигини кўрсатмоқда. Хуллас, бу борада вилоятда амалга ошириладиган ишлар ва ечимини кутаётган бир қатор муаммолар мавжуд.

Қўмита йиғилишида аниқланган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш учун чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ҳақида тавсиялар берилиб, муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Фурқат САНАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«ПОЙТАХТ» МЕҲМОНЛАРГА МУНТАЗИР

Тошкент нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиё минтақасининг ҳам энг йирик иқтисодий, маданий, маърифий маркази ҳисобланади. Шунинг учун бу ерда истиқлол йилларида сайёҳлик, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга жиддий эътибор бериляпти. Жаҳон андозаларига мос меҳмонхоналарнинг бунёд этилаётгани мазкур соҳалар ривожини таъминлашга хизмат қилади.

Шаҳарда фаолият кўрсатаётган меҳмонхоналар сони яна биттага кўпайди. Бу ерда "Пойтахт" меҳмонхонасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Меҳмонхона пойтахт марказида — Амир Темур хиёбони ёнида жойлашган. У "Мовароуннаҳр" Ўзбекистон—АҚШ қўшма корхонаси томонидан ўн ой мобайнида қуриб битказилди. Меҳмонхона 165 ўринга эга. Жаҳон андозаларига мос бу шинам масканда мижозлар учун барча қулай-

ликлар яратилган. Меҳмонлар "MIDORI" ва "BLISS" деб номланган ресторанда шарқона ва европача таомлардан баҳраманд бўлсалар, "ROYAL" ва "VIVA" барларида сархил яхна ичимликларни истеъмол қилишлари мумкин. Бизнес марказида эса Интернет, электрон почта, факс алоқаси, техник мосламалар ижараси каби замонавий хизматлардан фойдаланишлари мумкин. Шунингдек, турли тадбирлар ўтказишга мўлжалланган юз ўринли зал ҳам мижозлар хизматида.

"Пойтахт" яқинида метро, супермаркетлар, банк, бизнес марказлари, хиёбон, дам олиш масканлари мавжудлиги унинг яна бир қулайлигидир.

Меҳмонхонанинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар унинг ишга тушиши мамлакатимизда туризм ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш йўлида қўйилган яна бир қадам бўлганлигини таъкидлади.

Ф. НОРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.
Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

ДАВЛАТИМИЗ УЛУҒВОРЛИГИ ТИМСОЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Миллий давлатчилигимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, қадимда ҳам, масалан, соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари даврида унвонлару мукофотлар халқ пешқадам вакилларини рағбатлантириш, одамларнинг ҳалол меҳнатини яратувчилик фаолиятини баҳолашнинг ўзига хос мезони бўлган. Дейлик, Амир Темур бобомиз жангу жадалларда ва давлатчилик ишларида муносиб хизмат кўрсатган кишиларни "Суюрғол", "Суюрғамиш" деб аталган сийловлар билан тақдирлаган. Илло, бунинг замирида катта маъно-мазмун мужассам. Салтанат ободлиги ва халқ осойишталиги йўлида фидойилик кўрсатган ватанпарварларгина шундай унвонларга сазовор бўлган. Бундай ибратли мисоллар давлатчилигимиз тарихида бисёр.

Айни вақтда ер юзининг ҳамма давлатларида алоҳида хизмат кўрсатган кишиларга унвонлар бериш амалиётини кузатиш мумкин. Ҳар қандай мамлакатга тегишли мукофот ўша давлатнинг рамзи саналади ва маълум маънода унинг обрўйини белгилайди. Унвонлар салоҳияти давлатнинг улуғворлигидан далолат беради.

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришдек олижаноб мақсадларни амалга ошириш йўлида фидокорона хизмат қилаётган фуқароларимизнинг меҳнатини муносиб қадрлаш ҳамда моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш мустақилликнинг дастлабки давриданоқ давлатимиз сиёсатининг энг муҳим вазифаларидан бирига айланди.

Айниқса, юртимиз давлат мукофотларининг асосчиси, ташаббускори ва муаллифи сифатида Президентимиз истиқлолнинг илк йиллариданоқ бу масалага алоҳида эътибор бердилар. Натижада диёримизда бетакрор, миллий мазмунга эга давлат мукофотлари ва унвонлари таъсис этилди.

Масалан, "Буюк хизматлари учун" ордени бошқа бирор давлатда учрамайди. Амир Темур ордени, Жалолиддин Мангуберди ордени ҳам беқиёс, олий даражадаги мукофотлардир. Булар орасида, албатта, "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонининг салоҳияти ўзгача.

Энг муҳими, биз ҳамиша ифтихор қиламизки, ана шу олиймақом мукофотнинг дастлабкиси Ватанимизнинг, халқимизнинг ҳақиқий Қаҳрамони, жасур ва танти Йўлбошчиси Ислом Каримовга берилди. Яъни, 1994 йил 5 майда — ушбу олий унвон таъсис этилган куни суверен ва мустақил Ўзбекистонни барпо этиш, халқпарвар демократик, ҳуқуқий давлат яратиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш ишига қўшган улкан ҳиссаси ҳамда бу борада матонат ва жасорат кўрсатганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонини бериш тўғрисида Парламентимизнинг қарори қабул қилинди.

Фикримча, ана шу фактнинг ўзиёқ бу унвоннинг моҳиятини шоён белгилаб беради.

Мустақиллик йилларида ушбу Қонун ва Президентимиз фармонларига кўра қиркдан ортиқ фидойи ватандошимиз юрт ва халқ олдидаги хизматлари туфайли ана шу юксак унвонга муносиб топилдики, ҳамюртларимиз улар билан телевидение, радио, матбуот, шунингдек, яқинда нашр этилган алоҳида китоб орқали яхши танишдир.

Ушбу унвонни ва умуман, мамлакатимизнинг барча давлат мукофотларини беришда миллий чеклашлар йўқлиги эътиборга лойиқдир. Айтайлик, қаҳрамонларимиздан бири — Навоий кон-металлургия комбинатининг бош директори Николай Кучерский украин бўлса, Хива шаҳридаги 20-меҳрибонлик уйи директори Вера Пак — корейс, Нукус тумани "Саховат" фермер хўжалиги бошлиғи Аллания оға Утениязов эса қорақалпоқ миллатига мансуб.

Қаҳрамонларимизнинг касб-корлари ҳам турли-туман. Кези келганда, ижодкорларимиздан уч нафари бундай олий унвонга сазовор бўлгани адабиётимизга нисбатан билдирилган юксак ишончни англатиши баробарида, адибларимиз зиммасига муайян масъулият туйғусини, қарздорлик ҳиссини ҳам юклаши табиий эканини таъкидлаш жоиз.

Назаримда, ҳар бир нишондоримиз ўзига ўзи "Бу юксак унвонни қанчалик оқлаяпман?", деган саволни вақти-вақти билан бериб турмоғи даркор. Инчунин, бундай шарафли унвон кишига ўтган ишлари учун эмас, балки энди амалга ошириши зарур бўлган эзгу юмушлари, истиқболдаги бунёдкорона фаолияти учун рағбат сифатида берилади-да. Айтмоқчиманки, "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонига сазовор киши фидойиликда ҳам, халқ ва давлат манфаатлари учун тинимсиз меҳнатга ўзининг куч-қуввати, қалб қўрини бахшида этишда ҳам бошқаларга ўрнак бўлмоғи лозим.

ЎзА мухбири
Ғулом АБДУРАҲИМ
суҳбатлашди.

ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИ

Қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда санацияга тушган 60 та қишлоқ хўжалик корхонасининг жорий йил биринчи чорагидаги фаолияти якунлари муҳокама этилди.

Мажлисни Бош вазир ўринбосари, комиссия раиси Р.Азимов бошқарди.

Мажлисда санация қилинаётган қишлоқ хўжалик корхоналарида молиявий соғломлаштириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар амалга оширилаётгани, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ишлари такомиллаштирилаётгани таъкидланди.

Жумладан, санация қилинаётган хўжаликларда жорий йил январь-март ойларида дебиторлик қарзлари ҳажми 622 миллион сўмга қисқартирилди, ер майдонлари ва қишлоқ хўжалик техникаси баҳорги экиш мавсумига тахт қилиб қўйилди.

Шу билан бирга Наманган вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасининг айрим қишлоқ хўжалик корхоналарида боғлар ва узумзорларни узоқ муддатга ижарага бериш ишлари якунланмаганлиги қайд этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси ва мазкур вилоят ҳудудий комиссияларига бир ҳафта муддатда боғлар ва узумзорларни узоқ муддатли ижарага беришни ниҳоясига етказиш тавсия этилди, санация қилинаётган хўжаликларни янада молиявий соғломлаштириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш топширилди.

Шунингдек, мажлисда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг ижроси кўриб чиқилди. Таъкидландики, рентабеллиги паст ва истиқболсиз хўжаликларни фермер хўжаликларига айлантириш деярли якунланди ҳамда 83 та қишлоқ хўжалик корхонаси ўрнида 3405 та фермер хўжалиги ташкил этилди. Собиқ жамоа хўжаликлари ва ширкатларнинг актив ва пассивларини тақсимлаш тўлиқ якунланди, фермер хўжаликларига 131 минг гектар ер бириктирилди. Янги ташкил этилган фермер хўжаликлари учун қулай шароит яратиш мақсадида улар ҳудудида 65 та мини-банк, 81 та нефть маҳсулотлари билан таъминлаш шохобчаси, 80 та минерал ўғитлар билан таъминлаш шохобчаси, 81 та муқобил машина-трактор парки, 73 та сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ташкил этилди.

Айни пайтда Тошкент, Самарқанд, Навоий вилоятларида янги ташкил этилган айрим фермер хўжаликлари томонидан нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар олиш, муқобил машина-трактор парклари ва сувдан фойдаланувчилар уюшмалари хизматларидан фойдаланиш бўйича тўғридан-тўғри шартномалар тузиш ишлари ҳали ниҳоясига етказилмаганлиги қайд этилди. Шу муносабат билан ушбу вилоятлар комиссиялар раҳбарлари кескин танқид қилинди.

Сирдарё вилоятининг Меҳнатобод ва Мирзаобод туманлари, Фарғона вилоятининг Ёзёвон тумани ҳокимларининг ҳисоботлари юзасидан бу туманларнинг барча қишлоқ хўжалик корхоналари фермер хўжаликларига айлантирилгани ва улар тўлиқ фаолият кўрсатаётгани маълумот учун қабул қилинди.

Шунингдек, фермер хўжаликлари раҳбарлари, амалиётчи мутахассислар иштирок этган ушбу мажлисда фермер хўжаликларининг фаолият юритиши ва уларни рўйхатга олиш механизмини такомиллаштириш бўйича таклифлар муҳокама этилди.

(ЎзА).

Буклаш чизиғи

орқали амалга оширади.

Ижро этувчи орган кредит уюшмаси аъзолари умумий йиғилишининг баённомаси юритилишини ташкил этади.

19-модда. Кредит уюшмаси аъзолари умумий йиғилишининг ваколатлари

Кредит уюшмаси аъзоларининг умумий йиғилиши:

уставга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритади, устав фондини кўпайтириш ёки камайтириш тўғрисидаги ўзгартиришлар бундан мустасно;

кредит уюшмаси аъзоларига даромаднинг (фойданинг) бир қисмини тўлаш тартибини тасдиқлайди;

кредит уюшмаси аъзолари орасидан кенгаш, кредит қўмитаси ва тафтиш комиссияси аъзоларини сайлайди, уларнинг ваколатларини тугатади;

йиллик молиявий ҳисоботни (бухгалтерия балансларини, даромад (фойда) ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботни, пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни) тасдиқлайди;

кенгаш, ижро этувчи орган, кредит қўмитаси ва тафтиш комиссиясининг ҳисоботларини тасдиқлайди;

аудиторлик ташкилотини ва у билан тузиладиган шартнома шартларини белгилайди;

кредит уюшмасини қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Қонун ҳужжатларига ва уставга мувофиқ кредит уюшмаси аъзолари умумий йиғилишининг ваколатларига бошқа масалалар ҳам киритилиши мумкин.

20-модда. Кредит уюшмаси аъзолари умумий йиғилишининг баённомаси

Кредит уюшмаси аъзолари умумий йиғилишининг баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

умумий йиғилиш ўтказилган жой ва вақт;

кредит уюшмаси аъзоларининг умумий сони;

умумий йиғилиш раиси ва котиби;

умумий йиғилиш кун тартиби;

нутқлардаги асосий фикрлар, овозга қўйилган масалалар;

овоз беришда иштирок этган кредит уюшмаси аъзоларининг сони, овоз бериш якунлари, умумий йиғилиш қабул қилган қарорлар.

Кредит уюшмаси аъзолари умумий йиғилишининг баённомаси йиғилиш ўтказилганидан кейин уч кундан ке-

Қирқиш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

КРЕДИТ УЮШМАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади кредит уюшмаларининг тузилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Кредит уюшмалари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Кредит уюшмалари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг кредит уюшмалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Кредит уюшмаси

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан кредитлар бериш мақсадида ихтиёрий тенг ҳуқуқли аъзолик асосида тузиладиган кредит ташкилоти кредит уюшмаси деб эътироф этилади.

Кредит уюшмаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк ҳисобварақларини белгиланган тартибда очишга ҳақлидир.

Кредит уюшмаси ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган манзили кўрсатилган юмалоқ муҳрига эга бўлиши лозим. Муҳрда айни пайтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

Кредит уюшмасининг фирма номида "кредит уюшмаси" сўз бирикмаси ифодаланиши ва у бошқа кредит уюшмаларининг фирма номига ўхшаш бўлмаслиги керак. Ушбу Қонун талабларига жавоб бермайдиган юридик шахс ўз номида "кредит уюшмаси" сўз бирикмасидан фойдаланишга ҳақли эмас.

Буклаш чизиғи

амалга оширилади.

Кредит уюшмасини қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарор кредит уюшмаси аъзоларининг учдан икки қисмидан иборат овози билан қабул қилинади.

Кредит уюшмасини қайта ташкил этиш тўғрисидаги хабар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Кредит уюшмасини қайта ташкил этиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

28-модда. Кредит уюшмасини тугатиш

Кредит уюшмасини тугатиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

кредит уюшмаси аъзоларининг умумий йиғилиши тегишли қарор қабул қилганда. Ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисидаги қарор кредит уюшмаси аъзоларининг учдан икки қисмидан иборат овози билан қабул қилинади;

лицензиянинг амал қилиши тугатилганда ёки лицензия бекор қилинганда;

уюшма банкрот деб эълон қилинганда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Кредит уюшмаларининг давлат реестрига тегишли ёзув киритганидан кейин кредит уюшмасини тугатиш тамомланган, кредит уюшмаси эса фаолиятини тугатган деб ҳисобланади.

Кредит уюшмасининг фаолияти тугатилганлиги тўғрисидаги хабар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Кредит уюшмасини тугатиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

29-модда. Низоларни ҳал этиш

Кредит уюшмаларининг фаолияти соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

30-модда. Кредит уюшмалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Кредит уюшмалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 4 апрель.

Қирқиш чизиғи

Кенгаш аъзоси кредит уюшмасидан олган кредитни тўлашни уч ойдан кўпроқ вақтга кечиктирган тақдирда, у кенгаш таркибидан чиқарилиши керак. Кредитни тўлаш кечиктирилган пайтдан бошлаб мазкур аъзони белгиланган тартибда кенгаш таркибидан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилингунига қадар у кенгаш ишида иштирок этишдан четлатиб қўйилади.

Кенгаш аъзолари кредит уюшмасининг бошқа органларига аъзо бўла олмайдилар.

Кенгаш ўз фаолияти тўғрисида кредит уюшмаси аъзоларининг умумий йиғилиши олдида ҳар йили ҳисобот беради.

22-модда. Кредит уюшмасининг ижро этувчи органи

Ижро этувчи орган кредит уюшмаси аъзолари умумий йиғилишининг ҳамда кенгашнинг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

Ижро этувчи орган раҳбари ва ходимлари кредит уюшмаси билан меҳнат шартномаси тузадилар. Кредит уюшмаси номидан шартномани кенгаш раиси имзолайди.

Ижро этувчи орган раҳбари кредит уюшмаси номидан ишончномасиз иш кўради, ижро этувчи органнинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

Ижро этувчи орган ҳамда унинг ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатлари ҳамда устав билан белгиланади.

23-модда. Кредит уюшмасининг кредит қўмитаси

Кредит қўмитаси кредитлар бериш тўғрисида қарор қабул қилади, олинган кредитлар ўз вақтида қайтарилиши устидан назоратни амалга оширади.

Кредит қўмитаси таркибига кредит уюшмаси аъзоларининг умумий йиғилиши томонидан сайланадиган ижро этувчи орган раҳбари ҳамда кредит уюшмасининг тўрт нафар аъзоси киради. Кредит қўмитаси аъзолари кредит уюшмаси бошқа органларининг аъзолари бўла олмайдилар.

Кредит қўмитасининг мажлиси ҳар ойда камида бир марта ўтказилади, агар мажлисда аъзоларнинг камида ярми иштирок этса, у ваколатли ҳисобланади. Кредит қўмитасининг қарорлари мажлисда иштирок этаётган кредит қўмитаси аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Кредит қўмитасининг аъзоси кредит уюшмасидан олган

Буклаш чизиғи

дининг жами суммаси, заҳиралар, тақсимланмаган даромад (фойда) ва ўзининг бошқа маблағлари доирасида жавобгар бўлади.

Кредит уюшмасининг аъзолари кредит уюшмасининг мажбуриятлари бўйича ўзлари киритган пай бадаллари доирасида жавобгар бўладилар.

13-модда. Кредит уюшмасининг таъсис ҳужжати

Кредит уюшмасининг устави унинг таъсис ҳужжатидир.

Устав кредит уюшмаси муассисларининг умумий йиғилишида қабул қилиниши керак.

Кредит уюшмаси аъзосининг, аудиторнинг, исталган манфаатдор шахснинг талабига биноан кредит уюшмаси уларга устав билан танишиб чиқиш имконини беришга мажбурдир.

14-модда. Кредит уюшмасининг устави

Уставда қуйидаги маълумотлар бўлиши шарт:

кредит уюшмасининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номи, жойлашган ери (почта манзили);

кредит уюшмасининг фаолият соҳаси ва мақсади;

устав фондининг кредит уюшмаси ташкил этилган пайтдаги миқдори;

пай бадалининг энг кам ва энг кўп миқдори;

устав фондини кўпайтириш ва камайтириш тартиби;

даромадни (фойдани), дивидендларни тақсимлаш ва зарарларни қоплаш тартиби;

заҳираларни шакллантириш тартиби;

кредит уюшмаси аъзосининг ўз пай бадалини бошқа шахсга ўтказиш тартиби;

кредит уюшмаси аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

кредит уюшмасини бошқариш тузилмаси, шунингдек кенгаш, кредит қўмитаси, кредит уюшмаси ижро этувчи органи (бундан буён матнда ижро этувчи орган деб юритилади) ва тафтиш комиссияси аъзоларининг сони, уларни сайлаш (тайинлаш) тартиби, ушбу органларнинг ваколатлари;

йиллик ҳисоботларни тузиш, текшириш ва тасдиқлаш тартиби;

кредит уюшмасини қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби.

Уставда қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар ҳам бўлиши мумкин.

15-модда. Кредит уюшмасининг устав фонди

Қирқиш чизиғи

кредит уюшмаси лицензиясининг амал қилишини тўхтатиб туради, тугатади ёки лицензияни бекор қилади.

7-модда. Кредит уюшмаси аъзолари

Устав фондига пай бадалларини киритган юридик ва жисмоний шахслар кредит уюшмасининг аъзолари ҳисобланади. Шахсга кредит уюшмаси томонидан берилган сертификат унинг кредит уюшмасига аъзолигини тасдиқловчи ҳужжатдир. Сертификат шакли ва уни бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

Кредит уюшмаси аъзоларининг сони элликтадан кам бўлиши мумкин эмас.

8-модда. Кредит уюшмаси аъзоларининг ҳуқуқлари

Кредит уюшмаси аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

кредит уюшмаси томонидан кўрсатиладиган хизматлардан фойдаланиш;

кредит уюшмасини бошқаришда иштирок этиш;

кредит уюшмаси даромадининг (фойдасининг) бир қисмини белгиланган тартибда олиш;

уставга мувофиқ кредит уюшмаси фаолияти тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот олиш;

ушбу Қонунда белгиланган тартибда кредит уюшмасидан чиқиш;

кредит уюшмаси тугатилган тақдирда ўз пай бадалларига мутаносиб равишда мол-мулкнинг бир қисмини олиш.

Қонун ҳужжатларига ва уставга мувофиқ кредит уюшмаси аъзолари бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

9-модда. Кредит уюшмаси аъзоларининг мажбуриятлари

Кредит уюшмаси аъзолари:

уставга риоя этишга;

кредит уюшмаси аъзоларининг умумий йиғилиши, кредит уюшмаси кенгаши (бундан буён матнда кенгаш деб юритилади), кредит уюшмаси кредит қўмитаси (бундан буён матнда кредит қўмитаси деб юритилади) ва кредит уюшмаси тафтиш комиссиясининг (бундан буён матнда тафтиш комиссияси деб юритилади) қарорларини бажаришга;

олинган кредитларни ўз вақтида ва тўлиқ миқдорда қайтаришга;

кредит уюшмасининг обрўси ва кредит бериш қобилияти ошишига кўмаклашишга мажбурдирлар.

Қонун ҳужжатларига ва уставга мувофиқ кредит уюшма-

Буклаш чизиғи

ганлик учун тўлов олинмайди.

5-модда. Кредит уюшмасини давлат рўйхатидан ўтказишни ва унга лицензия беришни рад этиш

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки кредит уюшмасини давлат рўйхатидан ўтказишни ва унга лицензия беришни қуйидаги ҳолларда рад этиши мумкин:

кредит уюшмасини давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур ҳужжатлар тақдим этилмаганда;

устав ва тақдим этилган бошқа ҳужжатлар қонун ҳужжатларига мувофиқ келмаганда;

давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларда ишончсиз ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлганда, шунингдек бизнес-режа асосли бўлмаганда;

юридик шахс бўлмиш бир ёки бир неча муассисларнинг молиявий аҳволи қониқарсиз бўлса.

Давлат рўйхатидан ўтказишни ва лицензия беришни рад этиш аризачига рад қилиш сабаблари кўрсатилган ҳолда ёзма равишда юборилади.

Кредит уюшмасини давлат рўйхатидан ўтказишни ва лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг кредит уюшмалари фаолиятини тартибга солиш борасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки молиявий операциялар ўтказишнинг, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритишнинг кредит уюшмалари учун мажбурий бўлган қоидаларини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда:

кредит уюшмаларининг ҳисоботи ва бошқа ҳужжатларини текширади;

кредит уюшмаларининг фаолиятига оид ахборот олади;

кредит уюшмаларининг фаолиятини текширади;

кредит уюшмаларига уларнинг фаолиятида аниқланган қоидабузарликларни бартараф этишга оид бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар беради;

кредит уюшмаси ижро этувчи органи раҳбарининг малакасига доир талабларни белгилайди;

молиявий операциялар ўтказилишини олти ой муддатгача чеклайди;

Буклаш чизиғи

кредитни тўлашни уч ойдан кўпроқ вақтга кечиктирган тақдирда, у кредит қўмитаси таркибидан чиқарилиши керак. Кредитни тўлаш кечиктирилган пайтдан бошлаб мазкур аъзони белгиланган тартибда кредит қўмитаси таркибидан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилингунига қадар у кредит қўмитаси ишида иштирок этишдан четлатиб қўйилади.

Кредит қўмитаси ўз фаолияти тўғрисида кенгашга ҳар ойда ҳисобот тақдим этиши керак.

24-модда. Кредит уюшмасининг тафтиш комиссияси

Кредит уюшмасининг молия-хўжалик фаолиятини мунтазам текшириб бориш учун тафтиш комиссияси тузилади.

Тафтиш комиссияси умумий йиғилиш томонидан кредит уюшмаси аъзолари орасидан камида уч кишидан иборат таркибда сайланади.

Тафтиш комиссияси аъзолари кенгаш, кредит қўмитаси ва ижро этувчи орган аъзоси бўлишлари мумкин эмас.

Тафтиш комиссияси аъзолари бухгалтерия ҳисоби, молия соҳасида тегишли маълумотга ёки иш тажрибасига эга бўлишлари керак.

Тафтиш комиссияси кредит уюшмасининг бухгалтерия, молия, тўлов ва бошқа ҳужжатларининг барчасидан эркин фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Тафтиш комиссияси:

кредит уюшмаси аъзоларининг пай бадаллари тўлашини, кредитлар олиши ва улардан фойдаланишини текшириб боради;

ўтказилган текширишларнинг натижалари юзасидан кредит уюшмаси аъзоларининг умумий йиғилишига ҳамда кенгашга ёзма ҳисоботлар ва хулосалар тақдим этади;

қонун ҳужжатлари ва устав талаблари бузилган ҳолларни кўриб чиқиш учун кредит уюшмаси аъзоларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилади. Кредит уюшмаси аъзоларининг умумий йиғилиши тафтиш комиссиясининг тегишли қарори қабул қилинганидан кейин қирқ кундан кечиктирмай ўтказилиши керак.

Тафтиш комиссиясининг аъзоси кредит уюшмасидан олган кредитни тўлашни уч ойдан кўпроқ вақтга кечиктирган тақдирда, у тафтиш комиссияси таркибидан чиқарилиши керак. Кредитни тўлаш кечиктирилган пайтдан бошлаб мазкур аъзони белгиланган тартибда тафтиш комиссияси тарки-

БИЛИМДОНЛАР КЎРИГИ



Шу кунларда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида талабаларнинг республика олимпиадаси ўтказилмоқда. Унда мамлакатимизнинг 21 та олий ўқув юртидан 160 га яқин талаба иштирок этмоқда. Ушбу олимпиададан мақсад олий ўқув юртларининг мавқеини ўрганиш, мутахассислар тайёрлаш сифатини кўтариш, иқтидорли ёшларни аниқлаш, улар билан ишлаш ва қўллаб-қувватлаш, юрт ва миллат равнақи йўлида хизмат қилувчи фидойи кадрлар салоҳиятини шакллантиришдан иборат.

Университет раҳбарияти томонидан қатнашувчиларга барча шарт-шароит яратилган. Қатнашувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун дискотека ташкил этилган, саёҳатлар ўтказилмоқда. Шунингдек, олимпиадага чет эл ваколатхоналаридан кузатувчи мутахассислар жалб этилган.

Университет проректори М. Нишоновнинг айтишича, олимпиада топшириқлари талабаларнинг назарий билимларини, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш борасидаги малака ва кўникмаларини, чет тилларига муносабат ҳамда бўлажак кадрларнинг касбга тайёргарлик савиясини аниқлашга қаратилмоқда.

Олимпиаданинг иккинчи босқичида шу мутахассислик бўйича шахсий биринчиликни қўлга киритган талабага Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бўйруғи асосида тегишли йўналишнинг магистратурасига кириш имтиҳонларисиз, давлат гранти асосида ўқиш учун имтиёз берилади. Умумтаълим фани олимпиадаси бўйича шахсий биринчиликни эгаллаган талаба вазирликнинг биринчи даражали махсус дипломи, беш стипендия миқдорида пул мукофоти, шунингдек, ғолибларга ҳомий ташкилотлар таъсис этган мукофот ва совринлар топширилади.

С. ЖАББОРОВА,
халқаро журналистика факультети талабаси.

Тил қадри — эл қадри

ҲУҚУҚИЙ АТАМАЛАР ДУНЁСИГА МАРҲАМАТ!



Давлат тили ҳақидаги қонун ўзбек тилшунослигининг муҳим соҳаси бўлган терминология — атамашуносликка ҳам янгича нуқтаи назардан қарашни тақозо этди. Шу жумладан, олдинги даврларда чиққан терминологик — атама луғатларини ҳам қайта кўриб чиқиш, уларни мустақиллигимиз даврида пайдо бўлган янги-янги атамалар билан бойитиш, шўролар даврида турли баҳоналар билан «банд» солинган кўпгина сўз ва атамаларимизни тиклаб фаол истеъмолга киритиш, тилимиз ички имкониятларидан унумли фойдаланиш орқали ўзлашма тарзида қўлланиб келаётган баъзи атамаларнинг муайян қисмини ўзбек тилида бўлган ва ўша ўзлашмаларнинг маъносини тўла бера оладиган ўз сўзларимиз билан алмаштириш зурурияти келиб чиқди.

Шуларни ҳисобга олиб Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги атамашунослик қўмитаси бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Ўтган давр ичида кичик ва йирик ҳажмли ўнлаб атама луғатлари Атамақўм тавсияси билан нашр этилди. Шунингдек, Атамақўм ходимлари ҳам луғатчилик ишлари билан шуғулланишмоқда, турли фан соҳаларига оид луғатларни тузишмоқда. Ана шундай ишлардан бири «Русча-ўзбекча юридик атамалар луғати»дир. 20 босма табоқдан ортиқ ҳажмдаги ва 5 мингга яқин атамани ўз ичига олган бу луғат яқинда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига қарашли «Адолат» нашриётида босилиб чиқди. Луғат муаллифлари — юридик фанлари доктори, профессор Ғ.Аҳмедов (марҳум) ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик қўмитаси раисининг ўринбосари, филология фанлари номзоди Ҳ.Бектемировлардир.

Ушбу луғат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика атамашунослик қўмитаси ҳамда И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти ҳамкорлигида яратилган бўлиб, олдинги юридик луғатлардан ҳам мазмуни, ҳам тузилиши жиҳатидан тубдан фарқ қилади.

Аввало, бу луғатга янги-янги атамалар кирган. Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида ҳуқуқшуносликка оид кўплаб янги тушунчалар, уларнинг тилдаги ифодаси сифатида муҳим атамалар пайдо бўлмоқда. Улар имкони борича ушбу луғатдан жой олган. Бундай атамалар олдинги луғатлар (Ф.Бакиров, «Юридик терминлар луғати», 1959 йил, «Юридик атамалар ва иборалар луғати», 1993 йил)да учрамайди. Масалан, биргина «А» ҳарфи таҳлил этилганда («А» ҳарфи қисмида 210 атама мавжуд) акциз, анклав, антимония, аудит, аудитор каби 70 га яқин атама янгидан киритилганлиги, бундан ташқари, кўпгина атамаларнинг ўзбекча муқобиллари олдинги луғатлардагидан батамом бошқача талқин қилинганлигини кўрамиз. Бу иш бутун луғат давомида амалга оширилганлиги ва натижада оригинал, замон талабига мос луғат яратилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Қолаверса, луғатнинг ўзбекча матни ҳам кирилл ўзбекча, ҳам лотин ўзбекчасида берилган бўлиб, бундай амалиёт луғатчилигимизда дастлабки тажрибалардандир. Бу билан «Русча-ўзбекча юридик атамалар луғати» ташкилотчи-ташаббускорлари ушбу луғатнинг умрини узайтирганлар. Келажакда у лотин ёзувига асосланган алифбомизда таҳсил олаётган ёшларимиз учун ҳам зарур луғат бўлиб қолиши мумкин.

Албатта, четдан сўз олиш барча тилларга хос хусусият бўлганидек, ўзбек тили ҳам бундан мустасно эмас. Чунки мамлакатлар, халқлар бир-бири билан иқтисодий, маданий, сиёсий алоқада бўлар экан, бир-биридан сўз олади, натижада тилда четдан олинган ўзлашма сўзлар пайдо бўлади. Ўзбек юридик терминологиясида ҳам ана шундай халқаро ўзлашма атамалар мавжуд. Луғатдаги бундай атамаларнинг тушунилишини осонлаштириш учун улар (шунингдек, тушунилиши қийин айрим атамалар)нинг қисқача изоҳи берилган. Қисқача изоҳ четдан кирган халқаро атамалар англатган маъноларни тушуниб олишда ўқувчиларга ёрдам беради.

Шунингдек, халқаро атамалар қайси тилга мансублиги, улар англатган дастлабки маънолар ҳам ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотади. Шуни ҳисобга олиб, китобда четдан кирган атамаларнинг қисқача этимологияси ҳам берилган. Натижада халқаро атамаларнинг қайси тилларга мансублиги, уларнинг дастлабки маъноларини билиш учун ўқувчи бошқа манба қидириб юрмайди, ушбу луғат иловасида шу масалага жавоб топади. Хулас, муаллифлар луғатдан фойдаланувчиларга катта қулайлик яратиб беришган.

Зеро, ушбу луғат қонунчиликда, норматив ҳужжатларда, дарслик ва қўлланмаларда, иш юритишда, оммавий ахборот воситаларида юридик атамаларнинг бир хил ишлатилишини таъминлашдек муҳим вазифани бажаради ва юридик атамаларни барқарорлаштиради, деган умиддамиз. Ҳозир фуқароларимизнинг ҳуқуқий билимларини оширишга катта эътибор берилмоқда. Чунки демократик ҳуқуқий жамият қуришдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашдек муҳим вазифа олдимизда турар экан, жамият аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уни янада такомиллаштириш долзарб масалалардан бўлиб қолаверади. Нашрдан чиққан «Русча-ўзбекча юридик атамалар луғати» ана шу эзгу мақсадларга ҳам хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

М.САФАРОВ.

Давр тамойиллари

ИНТЕРНЕТДА РЕКЛАМА

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида тижоратчилар учун асосий масала товарни ўтказишдир. Бунинг ечимларидан бири эса моҳирлик билан ташкиллаштирилган реклама тадбирларидир. «Реклама — савдони ҳаракатлантирувчи куч» ибораси бежизга пайдо бўлмаган.

Информацион технология, жумладан, реклама технологиясининг жадал ривожланиши дунёда иқтисодиёт ўзанини қанчалик ўзгартириб юборганига бир назар ташлайлик. Бу ҳол ҳатто халқаро миқёсда «Янги иқтисодиёт» деб аталувчи замонавий йўналишнинг вужудга келишига сабаб бўлди.

Бугунги кунда бутун дунёда, шу жумладан, мамлакатимизда ҳам, Интернет инсон ҳаётида фаол ўрин эгаллаб бормоқда. Интернет ёрдамида инсон деярли чексиз ахборот манбаидан фойдаланиш, мулоқот қилиш, ҳар хил буюмлар ва сервис хизматларини харид қилиш, ҳатто йирик маблағ ишлаб олиш имкониятларига эга бўлиши мумкин. Ҳозирги ахборотлар асрида инсоният тараққиёти кўп жиҳатдан интернет тизими билан боғлиқ. Интернет инсоният томонидан кашф қилинган кўпчилик неъматларни ўзида жамловчи фаол муҳит десак муболаға бўлмас. Албатта, динамит, реактив двигатель, атомнинг парчаланиши каби буюк кашфиётлар сингари Интернет тизими имкониятларидан ҳам эзгу, ҳам ёвуз ниятларда фойдаланиш мумкин. Яъни интернет маънавиятга соғлом таъсир қилиши ёки ёт мафкураларни кишилар онгига сингдириш билан боғлиқ бўлган ахборот хуружи қуролига айланиши мумкин. Хуллас, интернет кашф қилинган экан, дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллашга ҳаракат қилаётган Ўзбекистонимизнинг ҳар томонлама тараққиёти учун бундай фантехника ютуқлари етарли даражада эътиборга лойиқ бўлиши жоиз.

Шуларнинг барчасини жамлаб, реклама, тўғрироғи, интернетда реклама тўғрисида мулоҳаза юритсак.

Реклама интернет муҳитига жадал суръатда кириб келди. Дастлаб интернетда реклама фақат почтали тарқатмалар, терминаллар, Fido, E-mail ёрдамида амалга оширилди. Кейинроқ эса, ҳозирги интернет тизимининг асосий сервиси WWW (Word Wide Web) концепцияси вужудга келиши билан, график ва мультимедияли рекламалардан фойдаланиш учун кенг имкониятлар очилди. Реклама янги даражага — визуаллик (тасвирий) даражага кўтарилди. Аввалига газета ва журналлардаги рекламалар каби график тасвирлар, сўнг Web-серверга йўналтирувчи тасвирлар ва тугмачалар пайдо бўлди. Бу реклама дунёсининг янги қирраларини очиб берди. Агарда бу давргача реклама айтарли кўзга ташланмаган бўлса, энди у фаоллашди. CGI, Java, Flash технологияларининг пайдо бўлиши — интернет рекламани янада кучайтирди.

Интернетда реклама қилишнинг мақсад ва вазифалари асосан қуйидагиларга йўналтирилган бўлади: корхонанинг ёки маълум бир маҳсулотнинг ижобий имиджини шакллантириш; корхона ва унинг маҳсулотлари тўғрисидаги маълумотларни миллионлаб инсонларга етказиш; тақдим қилинган ахборотни мультимедия тарзида бериш; графика, товуш, видеотасвир, анимация ва бошқалар; бозордаги ҳолатнинг ўзгаришига тезкорлик билан жавоб қайтариш; нархнома маълумотларини, корхона ва товар тўғрисидаги ахборотни янгилаш ҳамда янги маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш; маҳсулотларни интернет тизимининг вертуал дўконлари орқали сотиш.



Бугунги кунда интернет-рекламанинг асосий технологик жиҳатлари яратилиб бўлингандан сўнг, бошқа масала кўндаланг бўлди. Бу — интерактив (кучли таъсирчан) рекламани самарали амалга ошириш. Ушбу муаммо ечимларини ёритувчи ресурслар даставвал АҚШ, кейин Европа мамлакатлари ва тахминан 1996 йилларда Россияда пайдо бўла боштади. Рекламанинг бу тури бўйича ҳозирча мутахассислар бўлмаганлиги учун Ўзбекистон серверларидаги мавжуд камтарингина реклама билан одатда Wed-дизайнерлар ёки дастурчилар шуғулланмоқдалар.

Лекин, умид қиламизки, Ватанимизда яқин келажакда информацион технологиялар ривожланиб, интернет, ўз ўрнида бу тармоқ билан бевосита боғлиқ бўлган электрон тижорат ўзининг муносиб ўрнини топади ва жамиятимиз янги иқтисодиёт сари жадал қадам ташлайди.

Асқар АЗИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.

Таажжуб

«ДАРАКЧИ»га андиша керак...ми?

Ерни сув бузади, одамни амал, дейдилар. «Даракчи» газетаси ходимларида амал не қилсин. Улар ҳам ўзимизга ўхшаган оддий журналист, қалам учи билан умргузаронлик қиладилар. Аммо кейинги пайтда не қилишса қилишдики, қуюқ-суюқ дегандай, қарсак эшитиб қолишди. Қарсак эса, худди бойлик ё амалга ўхшаб, одамни бузади. Андишасизлик, такаббурлик кўчасига етаклайди. Муддаога ўтайлик.

2000 йилнинг куз ойлари. «Даракчи»нинг махсус мухбири Шаҳрисабзга келди. Ҳокимиятга кириб, шаҳардаги яхши бир боғча билан танишмоқчиман, деди. Унга «Шодлик» болалар боғчасини тавсия этдилар. Чунки «Шодлик» шаҳардагина эмас, вилоятда ҳам донг таратган ибратли масканлардан эди. Мухбир боғчага борди. Тарбиячилар билан суҳбатлашди, боғча мудираси М. Акбаровани хизматчилари билан бирга суратга тушириди.

Мухбир илиқ хўшлашиб жўнади. Бир неча кундан кейин «Даракчи»да «Сабр-тоқатлимисиз?» деган тест-саволдан иборат мақола берилди. Унда М. Акбарова билан тарбиячиларнинг сурати чоп этилган, аммо боғча тўғрисида бир оғиз гап йўқ эди. Шаҳрисабзликлар ҳайрон бўлишди. Олди-қочди саволларга боғча раҳбариятининг нима алоқаси бор?

Буниси ҳам ўтаверсин. Яна бир неча ойдан кейин, аниқроғи, 2001 йил 24 май сонида «Даракчи» тағин битта мақола эълон қилди. Нилуфар Бахтиёр қизи қаламига мансуб бу нарса «Сиҳатгоҳдаги дам» деб аталар, унда бир енгилоёқ аёлнинг қилмишлари баён этиларди. Энг ажабланарли ва ачинарли ери шундаки, саҳифа тепасида ўша «Шодлик» боғчасининг мудираси М. Акбаровани сурати монтаж қилинган эди. Бир тарафда Нозима исмли хиёнаткор аёлнинг эри, бир томонда жазмани, ўртада бир покиза инсон, уч боланинг онаси, олий маълумотли педагогнинг асл сурати!

Бу нима? Тасодифми? Ёки биз фалончи деган газетамиз, хоҳлаган нарсани истаган шаклда чоп этаверамиз, деган такаббурона хаёл меваси?

Газетани кўриб, Шаҳрисабз аҳли ҳайратдан ёқа ушлади. Бир мунис хонадоннинг боши букилди. Хешу акраболар исноднга қолди.

Эҳтимол, билиб-билмай бир аёлнинг шаънига доғ туширганликларини «Даракчи»дагилар ҳам англаб етишгандир. Лекин ўз вақтида бир оғиз узр айтишни, айбдорларни жазолашни эп кўришмади. Бу «Даракчи»нинг навбатдаги хатоси эди. Таҳририятдагилар бу хатоларини, «Буни биз эзгу мақсадда қилган эдик», дея оқлашга ўтишди. Қачондан бери бировнинг обрўсини тўкиш «эзгу мақсад» бўлиб қолган?

Одоб, андиша бамисли ялангоч танани ёпиб турадиган либос эмиш. Либос барчага керак. Шу жумладан, «Даракчи»га ҳам.

Саъдулла СИЁЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ

ўз рамзий белгиси (геральдик эмблемаси) ва байроғи лойиҳасини

ишлаб чиқиш учун танлов эълон қилади.

Танлов шартлари билан қуйидаги манзилда батафсил танишиш мумкин: 700078, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 6-уй, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бош биноси. Мурожаат учун телефон: 139-44-27, факс: 133-09-55. Танлов материаллари эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Самарқанд вилояти, Тайлоқ туманидаги «ПТ-Комбинат» МП ишлаб чиқариш-тижорат корхонаси тугатилади. Барча даъво ва эътирозлар эълон чоп этилгандан сўнг бир ой мобайнида қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Самарқанд вилояти, Тайлоқ тумани, А. Темур кўчаси, 1-уй.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

(Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2002 йил 16 апрелдан 30 апрелгача бўлган маълумот)

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Тижорат банклари томонидан уй-жой мулкдорлари ширкатларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2002 йил 16 мартдаги 6/1-сон қарори.

2002 йил 18 апрелда 1126-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 28 апрелдан кучга кирди).

2. «Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан ахборотларни очиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг 2002 йил 27 мартдаги 2002-6-сон буйруғи (янги таҳрирда).

2002 йил 18 апрелда 1127-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 28 апрелдан кучга кирди).

3. «Кимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг 2002 йил 27 мартдаги 2002-05-сон буйруғи.

2002 йил 18 апрелда 707-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 28 апрелдан кучга кирди).

4. «Аудиторлик фаолияти миллий стандарти (50-сон АФМС) «Аудиторлик даллиллари»ни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 3 апрелдаги 48-сон буйруғи.

2002 йил 18 апрелда 1128-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 28 апрелдан кучга кирди).

5. «Дорихона муассасалари томонидан тайёрланадиган ва идишга жойланадиган дори воситаларининг ташқи безагига доир қоидаларни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2002 йил 15 апрелдаги 177-сон буйруғи.

2002 йил 18 апрелда 1129-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 28 апрелдан кучга кирди).

6. «Депозитар фаолият тўхтатилган ва тугатилган тақдирда ҳаракатлар тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг 2002 йил 13 мартдаги 2002-02-сон буйруғи (янги таҳрирда).

2002 йил 23 апрелда 1130-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 3 майдан кучга кирди).

7. «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг бузилишига доир ишларни кўриб чиқиш ва жазо қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг 2002 йил 13 мартдаги 2002-04-сон буйруғи (янги таҳрирда).

2002 йил 23 апрелда 1131-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 3 майдан кучга кирди).

8. «Савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шунингдек алкоголь ва тамаки маҳсулотларини сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимларининг бир қисмини давлат бошқарув идораларининг ушбу йиғимлар ундирилишини таъминлаш билан боғлиқ харажатларини қоплаш учун йўналтириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 4 мартдаги 42-сон буйруғи.

2002 йил 29 апрелда 1132-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 9 майдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан ахборотларни очиш тўғрисида низом. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан тасдиқланган (2000 йил 29 июлда 965-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.).

Адлия вазирининг 2002 йил 18 апрелдаги 57-мҳ-сон буйруғи билан чиқарилди.

2. Депозитар фаолият тўхтатилганда ва тугатилганда депозитарийларнинг фаолияти тартиби ва 1-сон ўзгартиришлар. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан тасдиқланган (1999 йил 10 декабрда 847-сон, 2001 йил 5 сентябрда 847-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.).

Адлия вазирининг 2002 йил 23 апрелдаги 61-мҳ-сон буйруғи билан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикасининг қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун санкциялар қўллаш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисида низом ва 1-сон ўзгартиришлар. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан тасдиқланган (1998 йил 22 майда 439-сон, 2001 йил 16 июнда 439-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.).

Адлия вазирининг 2002 йил 23 апрелдаги 62-мҳ-сон буйруғи билан чиқарилди.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

III. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:

1. «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси балансидан «Ўзимпексалоқа» акциядорлик жамияти балансига хорижий кредитларга доир қарз мажбуриятларини ўтказиш бўйича операцияларни бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг қарори.

2. «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК томонидан Афғонистон ҳудудига тижорат юкларини ташиш ва экспедиторлик хизматлари учун тўловлар тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК, Молия вазирлиги ва Марказий банкнинг қарори.

Ушбу ҳужжатлар умумий мажбурий тусга эга эмас, шунинг учун улар белгиланган тартибда мазкур идоралар томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин. Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган меъёрий ҳужжатларда амалдаги қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.

IV. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилди:

1. «Пахта хомашёсини саноат йўли билан қайта ишлаш натижасида олинадиган ўсимлик ёғи, шелуха ва кунжарани хўжаликларга қайтариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг буйруғи.

2. «Тижорат банклари томонидан ўз фаолиятини юридик шахс ташкил этмасдан амалга ошириаётган бошқа кичик бизнес субъектларига микрокредитлар бериш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қарори.

3. «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликлари ва ўз фаолиятини юридик шахс ташкил этмасдан амалга ошираётган бошқа кичик бизнес субъектларига микрокредитлар бериш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қарори.

4. «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликлари, шунингдек кичик ва ўрта бизнес субъектларини миллий валютада кредитлаш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қарори.

5. «Тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қарори.

Тақдим этилган ҳужжатда амалдаги қонунчиликка зид қоидалар мавжуд ва у меъёрий ҳужжатларга қўйилган талабларга жавоб бермайди. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган меъёрий ҳужжатлар Адлия вазирлигининг хулосалари ҳисобга олинган ҳолда қайта ишланган тақдирда давлат рўйхатидан ўтказиш учун такроран тақдим этилиши мумкин.

V. Давлат рўйхатидан чақириб олинди:

1. «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича йўриқномаларни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазири буйруғи.

Тақдим этилган ҳужжат уни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этган идора томонидан чақириб олинди. Ҳужжат такроран тақдим этилган тақдирда, уни давлат рўйхатидан ўтказиш масаласи белгиланган тартибда кўрилади.

VI. Ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмоқда:

1. «Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солигини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қарори (янги таҳрирда).

2. «Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг бўйруғи.

3. «Молия бозори иштирокчилари — банклар томонидан ахборотларни ошкор қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қарори.

4. «Реэкспорт божхона режими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг қарори.

5. «Қонунчиликда белгиланган муддатларда устав маблағларини (жамғармаларини) шакллантирмаган хорижий сармояли корхоналардан солиқлар ундириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қарори.

6. «Юкларни транспортда ташиш, газ, ёнилғи-мойлаш материалларини етказиб бериш учун Ўзбекистон Республикаси ичида ўзаро ҳисобкитобларни амалга ошириш ва 2002 йилда Тожикистон Республикасининг давлат қарзи бўйича хизмат кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкнинг қарори.

7. «Юридик шахсларга солиқ, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг қарори.

8. «Давлат акциялар пакети (пайлар)ни ишончли бошқарувга бериш бўйича танловлар ўтказиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг қарори.

9. «Мебель маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Файз» холдинг компанияси корхоналари томонидан «Файз» холдинг компанияси махсус ҳисоб рақамига ўтказиладиган икки фоизлик акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг буйруғи.

10. «Тижорат банклари маблағларини ички активларга жойлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қарори.

11. «Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қарори.

12. «Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қарори.

13. «Сув таъминоти ва канализация, газ, иссиқлик таъминоти (марказий иситиш ва иссиқ сув таъминоти) бўйича коммунал хизматлар кўрсатишда технологик нобудгарчиликларнинг чекланган нормативларини аниқлашга оид вақтинчалик услубий кўрсатмаларни тасдиқлаш ҳақида» «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг буйруғи.

14. «Хўжалик юритувчи субъектларга бир неча банкларда очилган иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобваракларидан тўловларни амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қарори.

Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тайёрланди.
Савол ва таклифлар учун телефонлар: 133-38-67, 132-00-28

Машҳур халқ ҳофизи, Ўзбекистон халқ артисти Ҳожи Абдулазиз Расулов ҳақидаги ҳикоятларни биз бундан қарийб олтмиш йил илгари, Мулла Тўйчи ҳофизнинг қизлари Орохон Тўйчиева (у бундан бир неча йил аввал, тўқсон ёшлар чамасида оламдан ўтди) хонадонида эшитган эдик. Тошкентнинг «Қошиқчи» маҳалласидаги Шарофиддин қори (у зот Хислат, Мискин, Тўйчи ҳофизлар билан яқин бўлган, Муқимий, Фурқатлар билан ҳам учрашган) бобомиздан қолган боғимиз ёнида Тўйчи Тошмуҳамедовнинг қизлари Орохонга олиб берган ерлари бўларди. Машҳур ҳофиз бу масканга умрининг охиригача келиб турди.

ИККИ АСРНИ КЎРГАН ҲОФИЗ

Сўнгги ташрифлари чоғида Тўйчи ҳофиз отамиз Насриддин қоридан «Петербургдан келтирилган патефон ва пластинкалар» сақланиб қолган-қолмаганлигини суриштирдилар. Отамиз тасдиқ жавобини бериб, ичкаридан патефонграммпластинкаларни олиб чиқдилар ва ҳофизнинг ўз пластинкаларини қўйиб бермоқчи бўлдилар. Шунда ҳофиз аввал Ҳожи Абдулазиз пластинкасини қўйиб беришни сўрадилар. Патефон қулоғи буралиб, машҳур «Гулузорим» янгради. Тўйчи ҳофиз ашулани сел бўлиб тингларкан, «Ўзига хос, ноёб овозли, беназир ҳофиз эдилар-да!» дедилар товушлари титраб...

Ҳожи Абдулазиз Расулов яшаган хонадонда бўлиш, қизи Муқаддам Азизова билан учрашиш бизга янгидан-янги маълумотлар тўплашга имконият берди. Бу уйни музейга айлантиришда Самарқанд вилоят, шаҳар ташкилотлари, театр жамоаси ва яқиндан ёрдам кўрсатди.

Шўровий сиёсат ҳукм сурган вақтларда Ҳожи Абдулазиздек маданий меросни билган ва яхши ўзлаштирган ижодкорлар, ижрочи-санъаткорлар қадри тегишлича эъзозланмади. Ўша вақт «цензура»си унинг ижросидаги ҳар бир қўшиқни чиғириқдан ўтказар, мумтоз ашулаларни «феодал-ҳукмронлар» яратган деб тўхтатиб қўярди, шўро тузуми мақталган қўшиқларни ижро этишни талаб қиларди. Бу каби талаблар, айниқса, XX асрнинг 30-йилларига келганда, «шахсга сиғиниш» авж ола бошлаган паллаларда жиддийлашди. Санъаткор Шораҳим Шоумаровнинг эслашича, Тўйчи Ҳофиз, Ҳожи Абдулазиз, домла Ҳалим, ҳатто Қори Ёқубий, Муллақандовларни Бобур, Ҳусайн Бойқаро, Амирий шеърлари билан айтиладиган ашулаларни «Ҳадеб ижро этаверишда» айблар эдилар, «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин»лардаги «Яланг даврон», «Каримқули беги»ларни ишчи-деҳқонлар ҳузурида ижро этмасликни талаб қилардилар.

Ҳожи Абдулазиз вафотидан сўнг ҳам етарлича эъзозланиб, хотираси дурустроқ абадийлаштирилмаган эди. Унинг Самарқанд қабристонидаги қабри янтоқ, ажриқлар босганича қолиб кетганди. Кейинчалик Ўзбекистон Театр намояндалари уюшмаси томонидан устоз ижодкор қабри устига ёдгорлик тоши ўрнатилди...

Ҳожи Абдулазиз Абдурасул ўғли 1852 йилда қўҳна Самарқанд шаҳрида таваллуд топди. У ижрочилик санъатига жуда

9 МАЙ — Хотира ва Қадрлаш куни

эрта меҳр қўйганди, келгусида созанда ва хонанда бўлишни истарди, ибтидоий мактабда ўқиётганда ҳам шу орзу унинг қалбини қамраб олганди. Лекин, афсуски, 15 ёшида етим қолди, мактабдаги ўқиш ҳам тўхтади. Ўсмир ишга ёлланиб, хат-ҳисоботларни кўчириб, ризқ-насиба теришга киришди... Бироқ шундай аҳволда ҳам у ўзининг нафосатга интилишини канда қилмади, жинчироқнинг ғира-шира ёруғида бўлса ҳам кечаларни тонгга улаб, Ҳофиз Шерозий, Жомий, Навоий, Бедил, Фузулий ғазалларини тинмай мутолаа қилди, ўзбек, форс-тожик, турк куй-қўшиқларини ўргана бошлади. У, айниқса, Шарқ созларига, хусусан танбур ва дутор-га меҳр қўйди...

XIX асрнинг саксонинчи йилларида Абдулазиз Расулов Бухорода яшаб, мақом санъатининг улкан билимдони Ота Жалол тарбиятидан баҳраманд бўлди ҳамда мураккаб, пурмазмун, сержило «Шашмақом»ни ўзлаштириб олди. У Самарқандга қайтиб келиб, гузар ва майдонлардаги саҳналарда «Ироқ», «Мустаҳзод», «Насруллоий», «Ушшоқ», «Наво», «Таронаи ушшоқ»ларни ижро қилганида қўшиқ шайдолари унинг хонишидан, танбур чертишидан ниҳоятда баҳра олганлар.

Кўп ўтмай Абдулазиз Расуловнинг хонандалик ва созандалик довруғи чор-атрофга ёйилди, унинг хониши, юксак ижрочилик маҳоратидан Ҳиндистон, Эрон, Афғонистондаги санъат мухлислари ҳам завқ-шавқ олдилар. У Шоми шарифдаги хонанда созандалар беллашувида ҳам қатнашиб, «Ҳофизи наводир» (нодир ҳофиз) унвонига сазовор бўлди.

Абдулазиз Расулов XIX асрнинг саксонинчи йиллари сўнгида ва XX асрнинг бошларида Саудия Арабистонига ҳам бир неча бор сафар қилган, Макка, Мадина ва бошқа шаҳарларда бўлган эди (ушбу сафарларнинг бирида машҳур ҳофизга атоқли шоир Зокиржон Фурқат ҳам ҳамроҳ бўлган, деган маълумотлар бор). Унинг «Ҳожи Абдулазиз» дея аталиши ҳам мана шундандир. Ҳофиз ижросидаги «Аввалги муножот», «Қари наво», «Наът», «Алам нашра», «Марсияи гиря»ларни тинглаганлар олам-олам завқ олганлар. Шу билан бирга Ҳожи Абдулазиз Расулов ушбу мамлакатлардан турли халқ, миллат, элатлар қўшиқларини ҳам олиб қайтган ва ўз ватандошларига тортиқ этган...

Ҳожи Абдулазизни ўз устозларидан деб билган академик Юнус Ражабий бу катта санъаткорни мусиқий қадриятларимизнинг хазинабонларидан бири, дерди.

Шариф Акрамов, Дони Зокировларнинг хотирлашича, Ҳожи буванинг ижро репертуарида 300 га яқин хониш ва чолғу асарлари бўлган. Қўшиқ ва куй саралашда ўта талабчан устоз шогирдларидан ҳам шундай ёндошувни талаб қилган.

Ҳожи Абдулазиз Расулов бизга улкан маданий мерос қолдириб кетди. Унинг хонишидаги ашулалар 1909 йиллардаёқ жаҳонга машҳур «Граммафон» фирмаси томонидан ёзиб олиниб, дунёга тарқатилганди. XX асрнинг 30-йиллари бошида ҳам Ҳофиз ижросидаги қўшиқлар «фонограф»га, граммпластинкаларга ёзиб олинди. 1935 йилдаги ёзувлар энг сўнггиси бўлиб, санъаткор шу йили ҳаётдан кўз юмди.

Ҳожи Абдулазиз Расуловнинг маданий меросимизни кенг тарғиб қилишдаги, мусиқий ижрочилик санъатимизни равнақ топтиришдаги улкан хизматлари, айниқса, Истиқлолдан сўнг муносиб даражада қадрлана бошлади. Марҳум ҳофизнинг «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланиши ҳам ана шундан далолат бериб турибди...

Баҳриддин НАСРИДДИНОВ,
санъатшунос.

Ҳар тонг чиққан қуёш кўз қарошингдир!



Ойбек РАҲИМ

ЎҒЛИМГА

Дарахтга чиқиб,
Доғчаларни оларкан териб,
Қўйни-қўнжини тўлдириб, дейди:
Осмон яқин-ку,
териб оламан
юлдузларни ҳам!

Юксак орзуни сўзлар,
Содда, ширин тил билан.
Шунда дейман:
фақат йиқилиб тушма.
Бир кун орзуингга етарсан,
Юлдузларни «териб» оларсан,
эҳтимол.

Сен одамларга улашгин,
У юлдузларни
ва сира унутма,
Осмон — йироқ эди жуда ҳам,
Уни сенга яқин келтиргаанлар бор.

ТУНГИ САЙР

Дунё кезинади бедов хаёлим,
Замин зулматга ғарқ, осмон тиниқ:
Сўрарга савол кўп, айтарга розим,
Аҳдим жами қўнглимдай синиқ.

Кетаман боғрингни саждагоҳ қилиб,
Нетайки қўнглингнинг кўзлари юмуқ.
Боғларим қора гулзорми дейман,
Нурларни яширган ғунчаси синиқ.

Бу кенгликка, ҳайҳот, фиғон сиғмайди,
Дарахтлари уйноқ, куртаклар тугун.
Шарпалар излайди бахтнинг камини,
Фаслсиз хаёлнинг иқболи бугун.

Қучоқлайман юрагимнинг деворларини,
Ишлайман, ёшимнинг уммони йўқдир.
Бу кечган лаҳзалар минг бир синоат,
Лутфи қисматида ғумони йўқдир.

* * *

Сени севиб қолган кунимдан буён,
Сенга армон йиғдим, сенга дард йиғдим.
Мен-ку сенга бахт тилайман, ҳайҳот,
Сенинг тор қалбингга бир лаҳза сиғдим.

Энди сокинликнинг йўллари узун,
Энди узун эрур ғамларнинг йўли.
Тошдек юрагингни юмшатмоқ учун
Имконга узатсам — етмади қўлим.

Улар қўшиқ айтар шаънингга атаб,
Улар висолингни биларлар рўё.
Билиб қўй, ўлгунча излайман сени
Кўзимга сиғмаган бокира дунё.

* * *

Сўз айтсам, тилимга бойландинг,
Ўй ўйласам, дилимга бойландинг,
Мени ўлдириб жаллодга айландинг,
Жонни жондин айирма эркам.

Не қилсам, не десам, сенга жабрдир,
Мендан ситам, сендан сабрдир.
Кўксимдан итарсанг мўлжал қабрдир,
Айт, қандай овутай муҳаббатгинам!

* * *

Умид туман ичра балқиган қуёшимдир,
Дунёни сел босса, билки, кўз ёшимдир.
Сенинг ҳар сўзинг тамал тошимдир,
Сендан ўзга зорим йўқдир.

Ҳар тонг чиққан қуёш кўз қарошингдир,
Бағримни пора этган қилич — қошингдир.
Васлинг ўйида тош бўлган менинг бошимдир,
Сендан ўзга баҳорим йўқдир.

ТЎРТЛИКЛАР

Уйқудасан ширин, билмайсан
Кўкдаги юлдузлар — тилагим.
Деразанг олдида тунлари
Ой бўлиб балқиб турар юрагим.

* * *

Мен тунлари озор чекаман,
Сени кўриб хаёл дарчаларидан.
Наҳот, кўкка боқиб завқ оласан сен
Ўзинг ўзган юрак парчаларидан.

* * *

Тошлигимни англадинг, ниқоят англадинг,
Қаттиқман, совуқман, теккизмагин лаб.
Сен ҳам тош бўл, тондаги тошлар
Исниб ётишар бир-бирин қучоқлаб.

ҲИКМАТ

Молу мулкинг, мартабангдир беқарор,
Яхшилик қилгилки, қолсин ёдигор.

САВОЛ БИЗДАН...

Шимолий Америкада ҳудуди жиҳатдан энг катта мамлакат қайси?

136-35-60

Кечаги сонда берилган саволнинг жавоби:
Жанубий Африка Республикаси.

ХАЛҚ БАНКИДА ЯНГИ ТАЖРИБА

Халқ банкининг Сурхондарё вилояти бўлимида ўзига хос тажриба шаклланди, — деб хабарлайди «Туркистон-пресс» мухбири. — Банк ходимлари аҳолига қулайлик яратиш мақсадида маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари билан ҳамкорликда махсус жиҳозланган автотранспортлардан фойдаланмоқдалар. Маҳаллаларда кўчма касса очилган, коммунал тўловларни йиғиш натижасида ойда ҳар бир шоҳобчага ўртача 425 минг сўм тушаяпти. Пенсияларни Халқ банки орқали оладиган пенсионерларнинг нафақа пулларини эса улар истаган пайтда уйларига элтиб бериш ҳам йўлга қўйилган.

Эътиборли томони шундаки, банкнинг туман бўлимларида "Кредитлаш лимити" АИСКБнинг янги дастурий воситаси ишга туширилган. Бу эса ўз навбатида кредит беришни тартибга солиш, кредит муддатларини қисқартириш, мижозларга қулайлик яратишга хизмат қилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲНАТ, ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МУАММОЛАРИНИ ЎРГАНИШ РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИ

2002 ЙИЛ УЧУН 08.00.10

"АҲОЛИШУНОСЛИК ВА МЕҲНАТ ИҚТИСОДИ"

МУТАХАССИСЛИГИ БЎЙИЧА АСПИРАНТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Ҳужжатлар эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб икки ой давомида қабул қилинади. Маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш сўралади: 700095, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, Талабалар кўчаси, 91-уй.

Телефонлар: 46-83-01, 46-61-54.

5722/856

БУХОРО ВИЛОЯТИ ПАХТА УРУҒЧИЛИГИ КОРПОРАЦИЯСИ

2002 йил 22 май куни соат 10.00да акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. *2001 йил молиявий натижалари муҳокамаси.*
2. *2001 йилги молиявий ҳисоботлар юзасидан ўтказилган аудиторлик текшируви натижалари ҳақида.*
3. *2001 йилда кўрилган фойда тақсимоти ҳақида.*

Бизнинг манзил: Бухоро шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 2-уй.

5726/870

Китоблар оламида

Фойдали ва зарур рисола

Ёдингизда бўлса, ўтган йили Марказий Осиё минтақасида қуйдирги касаллиги хавфи туғилиб, катта миқёсда профилактик тадбирларни амалга оширишга тўғри келганди. Ушанда бу касаллик тарихи, клиник белгилари, ташхис қўйиш, давоси, олдини олиш чора-тадбирлари ҳақида маълумот берувчи ўзбек тилида бирор адабиёт йўқлиги аён бўлди. Ветеринария фанлари номзоди Б.Сайитқулов қаламига мансуб «Қуйдирги касаллиги» (Абу Али ибн Сино нашриёти) илмий-амалий рисоласи худди ана шу эҳтиёжни қондириши билан қадрлидир.

Қуйдирги касаллиги фақат чорвачилик учунгина эмас, одамлар учун ҳам ўта хавфлидир. Халқаро терроризм ғаразли ниятлар билан ҳаракат қилаётган айни даврда қуйдиргидан биологик қурол сифатида фойдаланиш мумкин эканлигини АҚШда рўй берган воқеалар яққол кўрсатди. Демак, ўта хавфли бу касалликни ўрганиш ва унга қарши кураш услубларини такомиллаштириш ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан муҳим давлат аҳамиятига молик вазифадир.

С. ИНОҒОМОВА.

Шошилинг!!! «ЎзДЭУавто» компанияси

қойилмақом ютуқ — БИТТА АВТОМОБИЛЬ ПУЛИГА ИККИТА АВТОМОБИЛНИНГ бахтли соҳиби бўлишга имкон яратади!

Ўйин Ўзбекистон телевидениесининг биринчи канали орқали намойиш этилади.

UZ-DAEWOO

7 мартдан бошлаб ўйинга қўйилган 2500 автомобиль сотила бошлади!

Шошилинг! Имкониятингизни бой берманг!

Компаниянинг дилерлик корхоналари сизларни кутмоқда!

Ўйин шартлари:

- *ўйинда 2002 йил 7 мартдан бошлаб сотилган дастлабки 2500 автомобиль иштирок этади;*
- *автомобиллар компаниянинг расмий дилерлик корхоналари автосалонларидан сотиб олинган бўлиши шарт;*
- *ютуқ соҳиблари сотилган автомобилларнинг кузов рақамлари бўйича ўтказилган лотерея ўйини натижасига кўра аниқланадилар;*
- *ютуқ соҳибига ўзи сотиб олган автомобиль русумидаги машина совға қилинади.*

Маълумот учун компаниянинг Тошкентдаги ваколатхонаси телефонлари: 67-97-74, 67-33-65.

Матбуотдан хабардор бўлиб туринг: автомобиль сотиб олган ҳар бир шахс ютуқ эгаси бўлувчи номзодлар рўйхатига киритилади. Телевидениеда ўйин ўтказилишидан аввал иштирокчиларнинг исм ва фамилиялари «Халқ сўзи», «Народное слово», «Правда Востока», «Кишлоқ ҳаёти» ва «Ўзбекистон овози» газеталарида чоп этилади!
Барча саволлар бўйича компаниянинг расмий дилерларига мурожаат қилинг.

5694/691

"КЕШ" очиқ ҳиссадорлик жамияти

ҳиссадорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши 2002 йил 15 июнь куни соат 14.00да Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани, "КЕШ" очиқ ҳиссадорлик жамияти, Янгиқишлоқ қишлоғи, жамиятнинг маъмурий биносида ўтказилишини маълум қилади.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган ҳиссадорлар рўйхати 2002 йил 5 май ҳолати бўйича тузилди.

КУН ТАРТИБИ:

1. *Жамият низомига ўзгартириш киритиш.*
2. *2001 йил якуни бўйича жамият раиси ҳисоботи.*
3. *Тафтиш комиссияси ва аудитор ҳисоботини тасдиқлаш ҳамда фойдани тақсимлаш.*
4. *Кузатув кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш.*
5. *Бошқарув раисини тасдиқлаш.*
6. *Бошқарув ҳайъати таркибига ўзгартириш киритиш.*
7. *2002 йилга аудиторни тасдиқлаш.*

Ҳиссадорлар юқорида қайд этилган манзилда соат 12.30дан 13.45гача рўйхатга олинади.

Кузатув кенгаши.

5729/905

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН СОТАДИ

товар сертификацияланмаган 8-8049

КАБЕЛЬ

(АВВГ, ВВГ, АСБ, ААШВ, КГ, КВВГ, ТПП, ТСВ, ПВ, АПВ, ППБН, ПУНП.)

ЛАМПАЛАР

(ЛД, ДРЛ, ДНАТ).

ЁРИТГИЧЛАР

(ЛПО, ЛСП, НСП, РСП, РКУ.)

БУЮРТМАНГИЗ БЎЙИЧА ЯКИН ВА УЗОК ХОРИЖДАН ШАРТНОМА БЎЙИЧА КЕЛТИРИБ БЕРИШ ИМКОНИЯТИ БОР

Ўзбекистон, 700060, Тошкент ш., «Нукус» к., 29-«Д», «Ўзбекистон» маиший хизмат уйи, 5-қават.

Тел./факс: (+99871) 1360154, 1331284, 120-09-09.

4898

«ELSUN-FARMBUYUM» ҚЎШМА КОРХОНАСИ АЛЮМИН БУРАМА

ҚАЛПОҚЧАЛАРНИ

D28, H18; D20, H15 ЎЛЧАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ ВА СОТАДИ.

Товар сертификатлаштирилган (SSUZ 01 SO 296049). Жаҳон стандартларига жавоб беради.

Тўлов — пул ўтказиш йўли билан.

Тел./факс: (998-71) 161-10-34, 161-11-09.
Тел.: (998-71) 188-12-71, 188-12-70, 187-28-76, 144-60-74.

5429/742

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг иқтисодий нашри — «Солиқ тўловчининг журнали»-«Журнал налогоплательщика» журналининг жамоаси журнал бош муҳаррири Тожибой Алимовга опаси

Тўлаой АСҚАРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани кенгаши аъзолари кенгашнинг биринчи котиби Раъно Сатторовага волидаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсаттан ўқитувчи

Рашида ая САТТОРОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзтелерадиокомпанияси жамоаси «Ёшлар» телеканалининг бош режиссёри Фатхулла Зоитовга волидаи муҳтарамаси

Зулфия ая ЗОЙТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль ва йўллар техникуми жамоаси техникум ўқитувчиси Дилшод Ҳамраевга волидаи муҳтарамаси

Зуҳра ая ҲАМРАЕВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁРОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 477, 36516 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — Н. ТОШЕВ.
Навбатчи — М. ЮСУПОВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
1 — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.10
1 2 3 4 5 6